

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВА ХУСНИГУЛ БУРИЕВНА**

**ҲУСАЙНИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ВА  
МАТНИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УЎК: 801.8:821.512.133'02(092)  
Хусайний (043.3)

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Джураева Хуснигул Буриевна**

Хусайний адабий мероси манбалари ва матний тадқиқи ..... 5

**Джураева Хуснигул Буриевна**

Текстологическое исследование источников литературного наследия  
Хусейни..... 21

**Djurayeva Khusnigul Buriyevna**

The sources and textual research of Khusayniy's literary heritage..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАЕВА ХУСНИГУЛ БУРИЕВНА**

**ХУСАЙНИЙ АДАБИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ВА  
МАТНИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil104 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Ҳамиджон Ҳомидий**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович**  
филология фанлари доктори

**Жўрабоев Отабек Рустамбек ўғли**  
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22; fax: (99871) 281-10-22; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 281-10-22.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирожиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филол.ф.д.  
катта илмий ходим

**Ш.С.Сирожиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқлари тамаддуни тарихида матншунослик ҳамда манбашунослик йўналишида амалга оширилган тадқиқотлар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Зеро, асрлар мобайнида яратилган адабий манбалар турли даврларда хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилган, китобат қилинган. Бинобарин, бугунги кунда турли фондларда мавжуд қўлёзма манбаларни излаб топиш ва қиёслаш асосида аслиятга яқин нусхани яратиш дунё матншунослигининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамияти глобаллашув жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда хориж мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланаётган бадиий адабиёт намуналарини бирламчи манбаларга таяниб тадқиқ этиш том маънодаги аслиятни тиклаш манфаатларига хизмат қилади. Бунда адабий манбаларни матншунослик ва манбашунослик аспектида муқояса қилиш асосида ишончли илмий-танқидий матнларни яратиш алоҳида ўрин тутади. Шарқ қўлёзмаларининг илмий-назарий жиҳатдан асосланган танқидий матнларини яратиш борасида Эрон, Туркия, Россия, Озарбайжон ва Тожикистонда амалга оширилган ишларни алоҳида қайд этиш жоиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида маънавий, маданий кадриятларнинг чинакам қиёфасини тиклаш масаласи ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби матншунослик ва адабий манбашуносликда ҳам «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»<sup>1</sup> масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурати сезилади. Шу муносабат билан жаҳон қўлёзма фондларида девонининг кўплаб нусхалари сақланаётган Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний меросини ўрганиш, асарларининг қўлёзма нусхаларини комплекс ёндашув асосида тадқиқ этиш, девон йиғма-қиёсий матнини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга қадар Ҳусайн Мирзо шахси ва ижодий меросига берилган баҳолар турли-туман, баъзида зиддиятли бўлиб, шеърятининг жанрий таркиби, мавзу кўлами, бадиий қиммати ўзининг мукамал баҳосини олган эмас. Шу боис мавжуд қўлёзмалар асосида Ҳусайний девонининг мукамал ва ишончли матнини яратиш матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай иш ўша даврнинг бошқа ижодкорлари девонларининг матнини яратиш учун тажриба сифатида ҳам зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони.

«Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусидаги маърузасида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хусайн Бойқаро шахсияти, фаолияти ҳамда ижодий меросини ўрганиш ўзи ҳаётлик вақтидаёқ бошланган. Академик Б.Валихўжаев Хусайний фаолиятининг замонасида ўрганилганлигини қуйидагича изоҳлайди: «...унинг шоҳ бўлганлиги ҳамда ўзининг тарихи, яъни ҳукмронлиги даври воқеалари, жумладан, унинг насаби ва ҳасабини ёзишга ишора қилингани бўлса, иккинчи томондан, ўша давр илм ва адаб вакиллари ундан миннатдорчилигини ифодалаш учун бу мавзуга мурожаат этишлари боис бўлган эди»<sup>2</sup>. Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Маҳмуд Восифий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлат, Шарафиддин Роқимий<sup>3</sup> сингари муаллифларнинг илмий асарлари ва саргузаштномаларида Хусайн Бойқаро сиймосига оид маълумотлар мавжуд. XX аср бошларида Хусайн Бойқаронинг девони, рисоласи ҳақидаги батафсил илмий ахборот, ғазалиётдан намуналар илк бор Абдурауф Фитрат томонидан берилган.<sup>4</sup> 1941 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти хрестоматияси»нинг биринчи жилдига Хусайнийнинг 102 та ғазали ва мухаммаси киритилган.<sup>5</sup> Хрестоматиядаги шеърлар Ҳоди Зариф томонидан нашр этилган «Навоий замондошлари»даги Хусайн Бойқаро ижоди

<sup>2</sup>Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. 2-жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002. – Б. 4.

<sup>3</sup>Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи садайн ва мажмаи баҳрайн. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008; Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981; Абдурахмон Жомий. Хотимат ул-хаёт. – Москва: Наука, 1980; Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт, 1967; Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967; Алишер Навоий. Ҳамса. – Тошкент: Фан, 1960; Алишер Навоий. Мукамал асарлар. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1987; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн. Тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси, 1961; Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002; Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Москва: Наука, 1967; Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Фан, 1996; Шарафиддин Роқимий. Тарихи касира. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ. 9980 рақамли инвентар.

<sup>4</sup>Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар: IV жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва тадқиқотлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳ муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 41–42; Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. Тузувчи: Фитрат. – Тошкент – Самарқанд: Ўзнашр, 1928. – Б. 158–167.

<sup>5</sup>Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. 1-том. – Тошкент: Ўқувпеднашр, 1941.

намуналарига асос бўлган.<sup>6</sup> 1959 йилда Ҳоди Зариф тайёрлаган «Ўзбек адабиёти» антологияси 1-томида Ҳусайн Бойқаронинг 31 та ғазали ҳамда 2 та мухаммаси мавжуд.<sup>7</sup>

Мустақиллик йилларида Ҳусайн Бойқаро фаолияти ва адабий меросига қизиқиш анча кучайди. Тарихшунос ва адабиётшунос олимлар Б.Валихўжаев<sup>8</sup>, Т.Файзиев<sup>9</sup>, А.Рустамов, С.Ғаниева<sup>10</sup>, А.Эркинов<sup>11</sup>, Б.Жалилов<sup>12</sup> каби олимлар адиб меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, нашр этишда муайян ишларни амалга оширдилар. Лекин ҳозирга қадар Ҳусайний девонининг қўлёзма нусхалари матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган. Бу эса мазкур тадқиқотнинг амалга оширилиши зарурлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи ва матншунослик илмининг назарий-амалий муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳусайний адабий мероси манбаларини илмий тавсиф этиш, девон қўлёзма нусхаларини ўзаро қиёслаш орқали «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матнини тайёрлаш ҳамда қўлёзма манбалардан топилган янги далиллар асосида Ҳусайн Бойқаронинг муфассал биографиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ҳусайний девони қўлёзмаларини матншунослик нуқтаи назаридан таснифлаш ва илмий тавсифини амалга ошириш;

Ҳусайний девонининг таянч манбасини белгилаш ва илмий истеъмолга киритиш;

Ҳусайний девони матний тадқиқи тамойилларини ишлаб чиқиш;

Ҳусайний девони қўлёзмалари ҳамда нашрларидан тушириб қолдирилган ғазал, байт, мисраларни аниқлаш ва илмий асослаб кўрсатиш;

Ҳусайний девонидаги шеърлар поэтикасини таҳлил қилиш;

Ҳусайний фаолиятига оид янги далилларни топиш ва улар асосида шоир илмий биографиясини яратиш;

Ҳусайний ва Навоий муносабатларини холис таҳлил этиб, янгича хулосаларни бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳусайний адабий меросининг мамлакатимиз ва жаҳон фондларидаги қўлёзма манбалари, турли нашрий нусхалари танланган.

<sup>6</sup>Навоий замондошлари. Терма шеърлар. Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зариф. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948.

<sup>7</sup>Ўзбек адабиёти. 1-том. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт, 1959.

<sup>8</sup>Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. 2-жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2002.

<sup>9</sup>Файзиев Т. Ҳусайн Бойқаронинг сирли ўлими. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 1995.

<sup>10</sup>Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева ва Ш.Абдуллаева. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги бадиий адабиёт, 1968; Ҳусайн Бойқаро. Жамолингдин кўзум равшан. Ғазаллар. Нашрга тайёрловчи ва сўз бош муаллифи С.Ғаниева. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Нашриёт бирлашмаси, 1991.

<sup>11</sup>Шоҳ ва шоир. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Девон. Нашрга тайёрловчи А.Эркинов. – Тошкент: Шарқ, 1995.

<sup>12</sup>Жалилов Б., Эшонова З. Султон Ҳусайн Бойқаро. – Андижон: Андижон давлат университети, 1997.

**Тадқиқотнинг предмети**ни «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матни муаммоларини ўрганиш ҳамда Ҳусайний мукамал илмий биографиясини яратиш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни бажаришда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, комплекс таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

девон матнидаги байтларда котиблар йўл қўйган хатолар, мисраларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши, сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар турли қўлёзма нусхаларни қиёслаш асосида аниқланган;

Ҳусайний замонасида кўчирилган, ҳозирда Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзма бошқа нусхалар билан солиштирилиб, «Девони Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро»нинг тўла илмий кўрсаткичлар билан таъминланган ишончли матни тайёрланган;

Тазкира ва маноқиблардан топилган янги далиллар асосида Ҳусайн Бойқаронинг нисбатан муфассал илмий биографияси яратилган;

Ҳусайний ва Навоий муносабатлари Ҳирот адабий муҳити ҳамда маданий жараёнига боғлиқ тарзда тарихий далиллар асосида янада аниқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ҳусайний девонининг йиғма-қиёсий матнини тузиш жараёнида тўпланган илмий тажрибаларга таяниб ЎЗР ФА ШИ фондида сақланаётган турли даврларда кўчирилган 18 та қўлёзма, 12 та тошбосма, 10 та баёз, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги 10 та қўлёзмани ўзаро қиёслаш натижасида «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матни нашр этилган;

тадқиқот натижалари асосида Ҳусайний девонининг котиб Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган нодир қўлёзмаси илмий истеъмолга киритилган. Ҳусайний қаламига мансуб янги шеърлар топилиб, эълон қилинган;

тадқиқотда фикр юритилган матн тарихини тиклаш билан боғлиқ муаммолар, йиғма-қиёсий матн тузиш амалиётига оид кўп нусхали қўлёзма ва тошбосма китобларнинг қиёсий-таснифий таҳлили, илмий-маърифий асарларни адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш каби масалалар монография шаклида нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ҳусайний адабий меросининг муҳим ва таянч нуқталари нафақат тарихий воқелик, балки муаллиф ижодий лабораторияси фондида илмий далилланган, «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матни кейинги тадқиқотлар учун асос бўла олиши исботланиб, адабий манбашунослик ва мантшуносликнинг назарий ҳамда амалий асосларига доир муҳим хулосалар илгари сурилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот материалларининг матншунослик ва адабий манбашуносликка оид назарий қарашларни бойитиш, матн ва талқин

масаласининг манбашунослик ва матншунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик ривожигадаги ўрнини белгилаши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот материалларидан магистратура ва бакалаврият босқичлари учун матншунослик ва адабий манбашунослик тарихи, матншунослик назарияси, илмий-танқидий матн назарияси бўйича дарсликлар, матн ва талқин муаммолари, хусусан, Ҳусайн Бойқаро – Ҳусайний ижоди юзасидан ўқув қўлланмалар яратиш, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳусайний илмий биографияси ва адабий меросини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ҳусайний адабий мероси манбаларини қиёсий тадқиқ этиш, девон йиғма-қиёсий матнини тиклаш бўйича чиқарилган илмий хулосалардан 8Ф–151 рақамли «Адабиёт энциклопедияси» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТҚ 03–13/58-сон маълумотномаси). Натижада Ҳусайний девонининг Европа мамлакатлари ва юртимиз фондларида сақланаётган қўлёзма нусхаларидан фойдаланиш, шоирнинг турли манбалардан топилган янги шеърларини илмий истеъмолга олиб кириш имконияти яратилган;

матншуносликда қўлёзма ва тошбосма нусхаларнинг муштарак ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлаш тамойиллари, аслият ҳамда нашрий нусхалар муаммолари билан боғлиқ маълумотлар ва илмий хулосаларидан Ф1–ФА–055746 рақамли «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш» лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТҚ 03–13/58-сон маълумотномаси). Натижада Ҳусайн Бойқаро илмий биографияси, адабий меросига оид маълумотлар бўйича муайян хулосаларга келинган ҳамда манбашунослик ва матншунослик тушунчалари билан боғлиқ изоҳлар бойитилган;

йиғма-қиёсий матн тузиш жараёни, қўлёзмаларнинг умумий қиёси ва матндаги тафовутларни белгилаш хусусидаги маълумот ва хулосалардан Ф–1–ФҚ–055213 рақамли «Абдулла Қаҳҳор дастхат қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТҚ 03–13/58-сон маълумотномаси). Натижада қўлёзмаларнинг умумий қиёси ва матндаги тафовутлар берилган изоҳлар мукамаллашган, нашрларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, 1 та монография, «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матни чоп этилган, шулардан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда алоҳида жилдда 208 саҳифали иловадан таркиб топган. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация Ҳусайний адабий мероси манбаларининг комплекс таҳлилини ташкил этадиган учта муаммони ҳал этишга қаратилган: Ҳусайний девони қўлёзма нусхаларини қиёсий-тарихий аспектда ўрганиш, «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро» йиғма-қиёсий матнини тайёрлаш, Ҳусайний таржимаи ҳоли ва адабий меросини илмий асосда тиклаш. Ишда бу асосий уч муаммога бевосита алоқадор масала – Ҳусайний асарларининг адабий манба сифатида ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни белгиланган.

Диссертациянинг «**Ҳусайний ижодий мероси манбалари ва уларнинг тадқиқи**» деб номланган биринчи бобида Ҳусайн Бойқаро адабий меросининг Ўзбекистон ва Ғарб мамлакатлари фондларида сақланаётган қўлёзмалари таснифланган ва илмий тавсифи берилган. Ҳусайн Бойқаро *حسینی* таҳаллуси билан туркий ва форсий тилда ижод қилган лирик шоирдир. Унинг қаламига мансуб *بايقرا حسین میرزا* ҳамда *سلطان حسین بايقرا* ҳамда *ر ساله سلطان حسین بايقرا* асари замонасининг машҳур хаттотлари Султонали Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон томонидан қайта-қайта кўчирилган ва бизга қадар етиб келган. 1485 йилда ёзилган «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» асарининг илм-фанда иккита қўлёзма нусхаси маълум:

1. Турк олими Фуод Кўпрулизоданинг шахсий кутубхонасида сақланаётган «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» қўлёзмаси.

2. 1945 йилда Исмоил Ҳикмат томонидан Омосия шаҳридаги Боязид кутубхонасидан топилган қўлёзма. Китобнинг фотофаксимелини Исмоил Ҳикмат нашр эттиради. 1954 йилда шу факсимелини италянча таржимаси билан турколог олим Турхон Ганжавий Неаполда чоп эттирган.

Юртимиз фондларида сақланаётган Ҳусайний девони қўлёзма манбалари куйидагича таснифланди:

1. *Ҳусайний девони қўлёзмалари*. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида Ҳусайн Бойқаро девонининг 1117, 6967, 7709, 1942 рақамли қўлёзмалари мавжуд. Қўлёзмалар турли даврда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилганлиги боис шоир асарларининг миқдори ва матнларида фарқли ўринлар, ноаниқликлар мавжуд.

2. *Ҳусайний шеърлари киритилган баёзлар*. ЎзР ФА ШИ фондидаги 1161, 2515, 5736, 7011, 3326, 2037 рақамли; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейидаги 401, 263, 662, 289, 38 рақамли баёзларда Ҳусайн Бойқаро шеърлари кўчирилган.

3. *Ҳусайний шеърлари киритилган мажмуалар*. ЎзР ФА ШИ фондидаги 1154 рақамли мажмуанинг 5906–591а саҳифаларида «Эй ажал, озод қил хижрон балосидин мени» деб бошланувчи Ҳусайний ғазалига Шоҳий томонидан боғланган мухаммас келтирилган.

Ҳусайний девони қўлёзмалари қиёслаб ўрганилганда шоир қаламига мансуб янги шеърлар топилди. Хусусан, Ҳусайнийнинг 6967 рақамли қўлёзмада берилган бир форсий фарди бошқа қўлёзма ҳамда нашрий нусхаларда учрамайди. 1161 рақамли баёздаги «Нозиктар» радифли форсий ғазал ҳам девони қўлёзмаларининг биронтасига киритилмаган. 3326 рақамли баёзнинг 57а–57б саҳифаларидаги «Монда» радифли форсий ғазал ҳам шоир девонининг бошқа қўлёзмаларида учрамайди.

Тадқиқот натижасида Ҳусайн Бойқаро асарларининг хорижий Европа мамлакатлари кутубхоналари, қўлёзма фондларида қўлёзмалари мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Британия музейи фондида Т/3379, Add. 7926, OR 3493 рақамли, Париж Миллий кутубхонасида Supp. 993, Supp. 1003 рақамли, Туркиянинг Тўпқоқи саройи музейи, Турк ва ислом ёдгорликлари музейи ҳамда Истанбул университети кутубхонасида Е.Н. 1636, Т.І. 1977, Т. 1942, Т. 1926, 3911, 102, 3807, 3806, 2381, 106 рақамли, Ленинград Осиё музейида 292, 11.6.17 рақамли қўлёзмалари сақланади. Диссертацияда Ҳусайний девонининг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган Т.І.1977 рақамли қўлёзмаси таянч манба сифатида қабул қилинди. Китоб Ҳусайний замонасида кўчирилганлиги, девоннинг бошқа нусхаларига нисбатан нуқсонсиз, мукамал сақлангани ҳамда котиб Султон Али Машҳадий томонидан китобат қилингани нуқтаи назаридан таянч манба қилиб белгиланди.

XV аср туркий адабиёт тарихи билан шуғулланган хорижий Шарқ олимлари Ҳусайний ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш, нашр эттириш бўйича муайян ишларни амалга оширган. Шоир девони илк мартаба 1926 йили Бокуда нашр қилинган. Нашрдан шоирнинг 128 та ғазали, 2 та мухаммаси ўрин олган. Туркиянинг Истанбул шаҳрида профессор Исмоил Ҳикмат Эртайлон девоннинг 1946 йил «Аё София» кутубхонасида сақланаётган 3911 рақамли қўлёзмасини факсимел шаклида чоп эттирган. 1968 йил афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Ҳусайн Мирзо девонининг Кобул нашрини амалга оширган. Ўзбек олимлари ҳам қисман қўлёзма нусхалар, асосан,

хорижий нашрларга таяниб Хусайний девонини бир неча бор чоп эттирдилар. Шунга кўра шоир девони нашрлари қуйидагича таснифланади:

1. Хусайний девонининг Боку нашри.
2. Хусайний девонининг Истанбул нашри.
3. Хусайний девонининг Кобул нашри.
4. Хусайний девонининг Тошкент нашрлари.

Девон нашрий нусхалари таянч манба билан солиштирилганда Хусайний шеърлари микдори, байт ва мисраларида жиддий матний тафовутлар борлиги аниқланди. Диссертацияда амалга оширилган қиёсий-типологик таҳлил натижалари қуйидагиларда яққол кўринади:

1. Хусайний ғазалларида байтларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши кузатилди ва ўз ўрнида тафовутлар бартараф этилди.
2. Шоир шеъриятига дахлдор мисраларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши жадвалларда қайд этилиб, тузатишлар бериб борилди.
3. Сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар белгилаб олинди, матнда йўл-йўлакай тўғрилаб кетилди.

Нашрлар орасида Муҳаммад Яъқуб Жузжоний томонидан тайёрланган Кобул нусхаси анча мукамаллиги билан ажралиб туради. Ношир Туркия давлати фондидаги айрим қўлёзмаларни кўздан кечириб, Хусайн Бойқаро девонининг нисбатан мукамал нусхасини чоп эттирган.

Диссертациянинг «Хусайн Бойқаро девони йиғма-қиёсий матнини яратиш жараёни» деб номланган иккинчи бобида Хусайний девонининг йиғма-қиёсий матнини яратиш вазифаси белгилаб олинган. Ҳозирга қадар Хусайний ижодий меросини ўрганиш, кенг ўқувчилар оммасига етказиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, шоир девонининг йиғма-қиёсий матни яратилмаганлиги боис ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ўзбек адабиёти тарихидаги ана шу кемтикликни бартараф этишга ҳаракат қилинди. Хусайний девонининг йиғма-қиёсий матнини яратишда Т.И. 1977 рақамли Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзма, Шарқшунослик институти фондида мавжуд 1117, 6967, 7709, 1942 рақамли қўлёзмалар, шоир девонининг Боку, Истанбул, Кобул нашрлари асос қилиб олинди. Ҳар бир нусха А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж тарзида алифбо тартиби билан белгиланди. Булар қуйидагилар:

1. А нусха. Т.И. 1977 рақамли қўлёзма.
2. Б нусха. 1117 рақамли қўлёзма.
3. В нусха. 6967 рақамли қўлёзма.
4. Г нусха. 7709 рақамли қўлёзма.
5. Д нусха. 1942 рақамли қўлёзма.
6. Е нусха. Хусайний девонининг Боку нашри.
7. Ё нусха. Хусайний девонининг Истанбул нашри.
8. Ж нусха. Хусайний девонининг Кобул нашри.

Девоннинг йиғма-қиёсий матнига асос бўлган манбалар муқояса қилинганда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган «А» қўлёзмаси бошқа қўлёзмаларга қараганда тўлиқроқ эканлиги маълум бўлди. Шу боис таянч қўлёзма сифатида «А» нусхаси олинди. Тадқиқотда матн тузиш

тамоийллари ишлаб чиқилган ҳолда йиғма-қиёсий матн учун зарур бўлган шартли белгиларга мувожаат қилинди:

1. Йиғма-қиёсий матнга киритилган бирор сўз асосга олинган қўлёмаларда бошқа сўз билан алмаштирилган бўлса, матндаги сўз тепасига тартиб рақами қўйилиб, матн остига аввал ўша рақам ёзилди, ундан сўнг қўлёманинг шартли белгиси ва фарқ қилувчи сўзнинг нусхадаги шакли ёзиб қўйилди. Мисол:

Матнда:

آنچه قان توکتی کوزوم هجر یندای قان تو ککو چی<sup>13</sup>  
ایمدی کوز آچسام کورا رمین عالمی دور قان ارا

2. Қўлёмаларга киритилмай қолган бутун шеърлар учун матнда ўнг томонда биринчи мисра аввалига тартиб рақами ва учта юлдузча, хошияда эса рақам, уч юлдуз \*\*\* ва нусханинг шартли белгиси қўйилди. Мисол:

Матнда: \*\*\*عشقی دین تا قیلیمیشام پیدا مینی شیدا مرض<sup>14</sup>  
قیلغودیگ دور ضعقلیق جسمینی نا پیدا مرض

3. Агар фарқлар бутун бир мисрага тегишли бўлса, унда мисранинг бошида бир юлдузча, навбатдаги тартиб рақами ва яна юлдузча қўйилиб, фарқли ўринлар юлдузча, рақам, юлдузча \*1\* ва нусханинг шартли белгиси билан илмий аппаратда бериб борилди. Мисол:

Матнда: \*15\* تو کوب قا نیم تر حم قیلмадинگ هیچ  
\*16\* کوروب حالیم تبسم قیلмадинگ هیچ

4. Ҳусайний девони қўлёмаларига кирмай қолган байтлар учун икки юлдуз \*\* ва тартиб рақами, ундан кейин шартли белги қўйилди. Мисол:

Матнда: \*17\* یار دین جز یخشی لیق کیلماس ولیکن آلیده  
ظلمی غه باعث کونگول آتلیق یمانیم دور مینینگ

5. Ғазалда ўрин алмашиб қолган байтлар учун қавс ичида (+) белгиси қўйилиб, тартиб рақами ва шартли белгиси кўрсатилган. Мисол:

Матнда: \*18\* دشت بولغای لاله زاریدین اویاتلیغ هجر ارا  
مونچه قانلیغ داغ ایله جسم نزاریمنی دیسام

6. Котиблар томонидан Ҳусайний ғазаллари таркибига қўшиб қўйилган мисралар ва байтларнинг биринчи мисраси олдида қавс ичида икки юлдузча (\*\*\*) белгиси ва тартиб рақами кўрсатилган. Илмий аппаратда шартли белги ҳам ёзилган. Мисол:

Матнда:

ای صبا قا نلیق کوزومگا کوییدین بیتکور غبار  
\*19\* رسم ایروور توفراق تو کماک دایما قان اوستینه

<sup>13</sup> قان تو ککو چیĖ کوز مردومیД коз مردومیГ قان تو ککو چیА

<sup>14</sup> \*\*\*А, Б, В, Г

\*15\* Б آلیب جانیم ترحم قیلмадинگ هیچ

\*16\* Б تو کوب قا نیم ترحم قیلмадинگ هیچ

<sup>17</sup> \*\* В

<sup>18</sup> (+)Г چرخ انجوم پخته سی بیرله دیسه مرهم قولای

عاجز اولغای شدت جسم فگاریمنی دیسام

<sup>19</sup>(\*\*)Е رسم ایروور توفراق کونگومه ایردی چاکلار

7. Қўлёзмаларда тушиб қолган сўзлар тепасига рақам қўйилиб, илмий аппаратда тартиб рақами, қавс ичида (\*) белгиси ва шартли белги қўйилди.

Матнда:

بس كه اطفال آنتى تاش و سوز هجران اوردى اوت  
لاله ديك باشتين اياقغه داغ ايله قان مين بو كون<sup>20</sup>

8. Котиблар қўлёзмани кўчириш жараёнида тушириб қолдирган мисраларнинг ўнг томонига юлдузча ва тартиб рақами қўйилди. Илмий аппаратда шартли белги ҳам ёзилди. Мисол:

Матнда:

بويله اوچ اوت بير كونگولگاتوشسا كويمای نيلاگای  
\*<sup>21</sup>اويله كيم بلبل اوتى وگل اوتى وخار اوتى

Ҳусайний девонининг йиғма-қиёсий матни шоир лирик меросини яхлит тасаввур этиб, шеъриятининг жанр табиати, мавзу кўлами, образлар тизими, энг муҳими, санъаткорлик маҳорати жиҳатидан изчил таҳлил қилиш имконини беради. Айти пайтда, XV асрнинг бошқа шоирлари девонларининг йиғма-қиёсий матнини яратишда кўл келади.

Диссертациянинг «**Ҳусайн Бойқаро илмий биографиясига доир янги маълумотлар ва шеърияти поэтикаси**» деб номланган учинчи бобида тазкира, қўлёзма манбалардан топилган янги далиллар асосида Ҳусайн Бойқаронинг мукамал илмий биографияси яратилган. Ҳусайн Бойқаро билан буюк мутафаккир Алишер Навоий дўстлиги, Навоий ижодида Ҳусайний сиймоси масалалари ёритилган. Ҳусайний шеъриятининг жанр таркиби, мавзу кўлами, поэтик хусусиятлари талқин ва таҳлил этилган.

Султон Ҳусайний ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи манбалар куйидагича таснифланди:

1. Ижодкорнинг ўз асарлари («Рисолаи Ҳусайн Бойқаро», «Девони Султон Ҳусайн Бойқаро»).

2. Замондошлар асарларидаги маълумотлар (Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Фаноий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур).

3. Ҳусайний ҳомийлигида бадий ижод билан шуғулланган ижодкорлар асарлари (Зайниддин Восифий, Сўфий Муҳаммад, Султон Масъуд Мирзо).

4. XVII аср манбаларида Ҳусайний сиймоси (Ҳасанхожа Нисорий, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлат, Шарафиддин Роқимий).

Султон Ҳусайн Бойқаро шахсияти, фаолияти ҳақида қимматли маълумот берувчи дастлабки манба Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асаридир. Китобнинг «Дунё ва динга иззат бағишловчи Мирзо Абу-л-Ғозий Султон Ҳусайннинг салтанат тахтига ўтирганлиги зикри»да Ҳусайн Мирзо бахт тахтида мақом тутганлиги, салтанат маснадида ўтириши билан барча учун қабул эшикларини очгани, улуғ зотлар унинг юртига ёпирилиб кела бошлагани баён қилинган. Ҳусайн Бойқаро «раиятни бағоят заҳматда қолдириб келган хорижий маблағлар ва лашкар зари олмасинлар, асло ва қатъан лашкар ва хорижий жиҳатдан даҳл қилмасинлар,

<sup>20</sup> (\*)Г

<sup>21</sup> \* Е

чунки биз буни тушуниб туриб бағишладик»<sup>22</sup> мазмунидаги фармонни жорий қилгач, мамлакат қозисига, гарчи у кишининг жарчилик қилиб шаҳар атрофида айланиши ҳеч маҳал одатга кирмаган бўлса-да, юрт сўрашини ва халқни огоҳ қилишни буюради. Қози жаноблари топшириқни сўзсиз адо этади. Бу ҳолат Ҳусайн Мирзонинг илк фаолияти даврида адолатпешалиқни маҳкам тутганлигини кўрсатади.

XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида яшаган муаррих Шарафиддин Роқимийнинг «Тарихи касира» асарида Ҳусайн Бойқаронинг мадраса ва хонақоҳлар қуришдаги ташаббуси, мударрис ва талабалар учун яратган шароитлари самимият билан зикр этилган. Рисоланинг «Султон Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот вилоятида мадраса қуриш тарихи» деган бобида ҳижрий 895 йили Ҳусайн Бойқаро томонидан «Мадрасаи Олия» қурилгани, шундай мухташам бинода Абдурахмон Жомий мударрислик қилиши ҳақида муҳим далил келтирилган. «Бир неча юз фарсахдан кўзга ташланиб турадиган бу мадрасада Мавлоно Абдурахмон Жомий Ҳазрати Идрисдек мударрислик қиларди»<sup>23</sup>. Демак, аслида ҳеч қандай амал, маъмурий ишни писанд қилмаган Абдурахмон Жомий Ҳусайний қурдирган «Мадрасаи Олия»да мударрисликни ихтиёр этган.

Алишер Навоий умри давомида ёзган деярли барча асарларида Ҳусайн Бойқаро шахсияти, салтанатдорлик фаолиятини ўрганган, адабиётшунос ва шоирлик маҳоратини синчиклаб кузатиб борган. Ҳатто «Тарихи мулуки ажам» асарида Ҳусайн Мирзо салтанатдорлиги тарихини ёзиш нияти борлигини ошкор этган. Навоий ижодида Ҳусайн Бойқаро сиймоси масаласини ўрганиш жараёнида учта муҳим жиҳат алоҳида кўзга ташланади:

- а) Ҳусайн Бойқаро адолатли, тадбиркор, бунёдкор темурий ҳукмдор;
- б) у илм-маърифат, маданият, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари ҳомийси, пуштипаноҳи; дўстини юксак даражада қадрлайдиган чин инсон;
- в) Ҳусайний – қилни қирқ ёрадиган санъаткор, олим, нозиктаъб шоир.

Алишер Навоий Ҳусайний шеърятини ниҳоят даражада ардоқлаган, ўз ғазалиётида Ҳусайний сиймосига муайян чизгилар яратишга алоҳида эътибор қаратган. «Ул қуёшким, чарх аро ошуфта парчамдур букун», «Бир қуёш ҳажрида чектим ўтлуқ афғон бу кеча», «Оразинг меҳрин очиб, жисмим аро жон ўртама», «Ўтга ёқғил сарвни ул қадди раъно бўлмаса» деб бошланувчи Ҳусайний ғазалларига Навоий назиралар боғлаган. Тадқиқот давомида Ҳусайний томонидан Алишер Навоийнинг 21 та ғазалига тазмин боғлангани ҳам аниқланди.

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик икки жиҳатдан давр учун жуда зарур бўлган. Биринчидан, Хуросон давлатининг мустақиллиги, эл фаровонлигини асраш учун бу икки буюк шахс кечани кеча, кундузни кундуз демай ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик билан бир тан, бир жон бўлиб, фидойилик кўрсатган. Иккинчидан, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро бир-бирининг ижодини атрофлича холис баҳолаб, илмий-адабий жараёндаги

<sup>22</sup>Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи садайн ва мажмаи баҳрайн. К. II. 2-қисм. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008. – Б. 623.

<sup>23</sup>Шарафиддин Роқимий. Тарихи касира. ЎзР ФА ШИ. 9980-инвентар. 876-варак.

мавқеларини эътироф этишган. Бу эса жуда камёб ҳодиса бўлиб, авлодлар учун ибрат сифатида хизмат қилади.

Ҳусайний Ҳирот адабий муҳити раҳнамози, соҳибдефон ижодкор сифатида ғазалнинг энг оммавий – беш, олти, етти, саккиз байтли турларида ижод қилган. Бугунга қадар Ҳусайний фақат бир вазнда, рамали мусаммани мақсурда ижод қилганлиги адабиётшунослар томонидан таъкидлаб келинган. Тадқиқот жараёнида Ҳусайний девонида бошқа вазнда ёзилган ғазаллар ҳам мавжудлиги аниқланди. Ҳатто айрим тадқиқотчилар «Ҳусайний ғазаллари композициясини ўрганиш шуни кўрсатадики, девондаги ғазалларнинг кўпчилиги пароканда ғазаллардир. Бу тур ғазалларда байтлар ўртасида узвий боғланиш етарли бўлмайди»<sup>24</sup>, – деган фикрни илгари суришган. Ваҳоланки, шоир ғазалиётининг асосини воқеабанд – сюжетли ғазаллар ташкил этади. Ҳусайний шеъриятидаги сюжетлилик, воқеабандлик ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун аوستини радифли силсила ғазалларидан бирини талқин ва таҳлил этишга интиламиз.

سبزهء خطينگ سوادى لعل خندان اوستينه  
خضر گويا سايه سالميش آب حيوان اوستينه

اول ياشيل تونلوع باشى اوزه قريشى بوركى دور  
ايله كيم توشگاي قير او سروخر امان اوستينه

تاكه سانچيلدى بوزولغان كونگولوم ايچره ناوكينگ  
ايله قوش دور كيم نشيمن قيلدى ويران اوستينه

مين پريشان حال نينگ كونگليگا سالدى يوز گره  
هر گره كيم توشتى اول زلف پريشان اوستينه

بوالعجب ايرماس ملاحه ليغ لبينگ اوستيده خال  
كيم چييين گاهى بولور ساكن نمكدان اوستينه

اوزنى خوش توتغيل كه آخر تيره خاك آستيده دور  
اول كه حالا رخس سورگاي چرخ گردان اوستينه

اي حسيني بيوفالار غه كونگول نى بير ماگيل  
چون وفاليع يار تا پتينگ سوز ديما جان اوستينه

